

Хабар



11
(965)-son

18-mart


www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Қадамнинг қутлуғ келсин, Наврўз!



Ўлкамизда яна баҳор. Қушларнинг ёқимли чуғур-чуғури яна дилларин завққа тўлдирмоқда. Дарахт нодалари келинчак мисол ясаиб, хуснини кўз-кўз қила бошлайди ҳалемай. Одамлар элимизнинг қадимий байрами – Наврўзни интиқлик, катта қувонч, зўр шодидна билан кутиб олишяпти. Негаки, мустикал юртимизнинг йигирмаччи Наврўзидир бу.

Ўтган йигирма йил ичда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари мақтаса ариғулик. Бу ишлар нафақат пойтахтимиз Тошкентда, балки барча вилоятларда ҳам олиб борилгани, у ердаги шаҳар ва қишлоқлар ўзгача фусункор кўриниш олгани, қатор саноат корхоналари ишга туширилгани ҳар бир ўзбекистонлик қалбини ғурурга тўлдиряпти.

Булар юртимизни ривожланган мамлакатлар қаторига етказиш борасидаги ишларнинг бошланиши, ҳолос. Меҳнатқаш ва бунёдкор халқимиз бундан-да улғувор ишларни бажаришга қодир. Улар янгидан-яни режаларни кўзлаб, олға интилишяпти, ижод қилишяпти.

Ҳа, ўлкамизда яна Наврўз. Ҳар йилгидек бу йилги Наврўз ҳам одамлар қўнига қуч, ғайратига ғайрат қўшди. Бу йилги Наврўзнинг қалами янада қутлуғроқ келди.

Наврўзингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



Сўнги янгилик!

Алоқа оламида:

Microsat Systems Canada компанияси Ер орбитасининг 998 километр баландлигида 78та кичик йўлдош орқали арзон ва юқори тезликдаги интернет хизмати кўрсатувчи тармоқ ташкил этишни режалаштиряпти. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳар бир йўлдошнинг ўтказувчанлиги 12 Гбит/сонияни ташкил этади. 3G ва 4G тармоқларига жиддий рақобатчи сифатида кўрилатган лойиҳада глобал миқёсда қоплашга эришиш ва энг чекка ҳудудларни ҳам интернет билан таъминлаш кўзда тутилган.

Компания вакиллари мазкур лойиҳа турдош лойиҳалардан арзон тушиши, ишончли ҳамда кенг оммага мўлжалланганини айтишмоқда.

Ушбу сонда:

■ Қонун ижроси ўрганилди	2
■ Азалий қадриятлар устуворлиги	3
■ Интилиш ва самаралар	4
■ Создана самая маленькая видекамера	6
■ Миннатдорчилик мактуби	14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Интернет ҳамкоримиз

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамазида

Umagan umagacha

2011 йил 10 март куні Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи яши мажлисини шу йил 25 март куні Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси иккинчи ва учинчи ўқишда муҳокама қилиниб, қабул қилинди ва кўриб чиқиш учун Сенатга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитасида мамлакатимизга ташриф буюрган Жанубий Корея фонд биржаси вице-президенти Хванг Жунго раҳбарлигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда томонлар қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Мамлакатимизда Президент соврини учун бир неча йиллардан буён ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўрик-танлови нуфузи тобора ошиб бормоқда. Мазкур тадбир иштирокчилари сафи нафақат сон, балки ишлаб чиқариш турлари ва йўналишлари жиҳатидан ҳам янада кенгайяпти. Бу Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро, Қашқадарь, Навоий, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Наманган, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида бўлиб ўтган ҳудудий танловларда яққол кўзга ташланди.

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Республика Байналмилал маданият маркази, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ЁИХ ҳамкорлигида ўтказилган мазкур кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да 15-18 март кунлари "UzBuild-2011" ва "MebelExpo Uzbekistan" халқаро кўргазмалари ўтказилди.

Навоий шаҳрида вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида маҳаллий тадбиркорларнинг бизнес форуми бўлиб ўтди. "Ўзбек Лизинг Интернейшнл: ғоялар ҳақиқатга айланади" шiori остида ташкил этилган ушбу анжуманда тадбиркорлар, хунармандлар, фермерлар ҳамда бир қатор хорижий компаниялар вакиллари қатнашди.

Қонун ижроси ўрганилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Унда "Телекоммуникация тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ижро этилиши юзасидан ўтказилган назорат-тахлил яқунлари муҳокама этилди.

Қонун тартибидаги масала юзасидан қўмита ишчи гуруҳи раҳбари Ф.Солиев ахборот берди. Таъкидланишича, мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида ҳар икки вилоят ҳокимликлари томонидан бир неча меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ахборот ва телекоммуникация тизимларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилган ва ушбу саъй-ҳаракатлар давом эттириляпти.

Сурхондарё вилоятида шу кунгача 14та тумандаги 33та, Термиз шаҳридаги 8та телефон станциялари рақамли станцияларга алмаштирилган ва уларнинг умумий сифими 70,2 мингга рақамни ташкил этади. Вилоят ва туман марказларидаги телефон станциялари 474 километр узунликдаги оптик алоқа тармоғи орқали туташтирилган. Телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш даражаси 82,06 фоизга етказилган.

Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари билан қамраш 89,5 фоизни, шаҳарларда бу кўрсаткич 100 фоиз, қишлоқ-

ларда эса 89,2 фоизни ташкил этади. Вилоят бўйича жами 722та аҳоли маскани телефонлаштирилган бўлиб, интернетдан жамоавий фойдаланиш масканлари сони 22тадан иборат.

Наманган вилоятининг 11 туманидаги 85та телефон станцияси ва Наманган шаҳридаги 18та телефон станцияси рақамлаштирилган бўлиб, умумий сифими 216,5 минг рақамни ташкил этади. Вилоятда 456 километр узунликда оптик толали алоқа тармоғи ётқизилган. Умумий рақамлаштириш даражаси 88,6 фоизни ташкил этади.

Вилоятда умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинганлик даражаси 97,1 фоизни, телефонлаштириш шаҳарларда 100 фоиз, қишлоқларда 94,2 фоизни ташкил этади. Жами 490та аҳоли маскани телефонлаштирилган, 24та интернетдан жамоавий фойдаланиш маскани фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ҳар икки вилоятда ҳам амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Хусусан, айрим аҳоли масканларига

симли телефон этиб бормаган, ижтимоий муассасаларни телефонлаштириш, мактаб ва коллежларни компютерлаштириш ишларини кўнгилдагидек деб бўлмади. Интернетдан жамоавий фойдаланиш масканлари сони амалдаги талабга мувофиқ эмас. Шунингдек, вилоят ҳокимликлари веб-сайтлари фаолияти яхши йўлга қўйилмаган, аксарият туман ҳокимликларида локал тармоқлар ташкил этилмаган.

Соҳа мутасаддилари зиммасида шу ва бошқа камчиликларга барҳам бериш билан бирга, телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, таклиф этилаётган хизматлар сонини бир неча баравар ошириш, қишлоқ аҳоли масканлари, жумладан, тоғли ва даштли ҳудудларни телефонлаштириш, симсиз технологияларни кенг қўллаш, соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини ошириш каби вазифалар ҳам турибди.

Қонун тартибидаги масала юзасидан ҳар икки вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг мазкур вилоятларидаги ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва телекоммуникациялар бўйича масъул раҳбарларининг ахборотлари тингланиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан уларга тегишли тавсиялар берилди.

Қўрилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилиб, қарор қабул қилинди.

Собит АХАДОВ,
"Xabar" мухбири

Халқаро ҳамкорлик самараси

➤ BOJXONA VA AKT

Божхона фаолиятининг асосий йўналишларидан бири хисобланувчи контрабандага қарши курашиш соҳасида янги замонавий технологиялардан фойдаланмасдан туриб, ижобий натижаларни кутиб бўлмади.

2010 йил 29 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон чегара божхона постларини сканер қурилмалари билан таъминлаш мақсадида Япония ҳукумати томонидан тақдим этилаётган грантдан самарали фойдаланиш чораларини кўриш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва грант маблағларини самарали ўзлаштириш мақсадида тендер савдолари асосида 2010 йил 5 июл куні Давлат божхона қўмитаси ва Япониянинг "Марубейни" компанияси ўртасида грант маблағлари сканер қурилмаларини сотиб олиш бўйича шартнома имзоланди. Жорий йилнинг феврал ойида эса Тошкент вилояти божхона бошқармасининг "Ойбек" ва Сурхондарё вилояти божхона бошқармасининг "Айритом" божхона постларига сканер қурилмалари етказиб берилди.

Шу муносабат билан Давлат божхона қўмитасида ташкил этилган сканер қурилмаларини топшириш қабул қилиб олиш маросимида Япониянинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ё.Куроода, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва турли компаниялари вакиллари, Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Ўзаро ҳурмат ва самимий руҳда ўтган маросим давомида Қўнчиқар мамлакат вакиллари Ўзбекистонда



амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотларга, хусусан, мамлакат тараққиёти ва унинг иқтисодий хавфсизлиги учун хизмат қиладиган божхона соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш бўйича мамлакатимизда амалга ошириляётган кенг қўламли ишларни юксак баҳоладилар.

Хусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати инспектори

Меҳр-окибат, эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзиш, уларга саховат кўрсатиш, бирдамлик ва ҳамжихатлик — халқимизнинг кон-конига сингиб кетган азалий кадриятларидан. Бу бокий анъана ва гўзал фазилатларнинг ҳар йилги Наврўзолди умумхалқ хашари кунлари давомда яққол кўзга ташланиши бежиз эмас. Зотан, истиклол туфайли халқимизнинг миллий кадриятлари нафақат қайта тикланди, балки янгича мазмун-моҳият касб этди.

Мамлакатимизда 12-13 март кунлари умумхалқ хайрия хашари ўтказилди. Наврўз байрами арафасида ўтказилган мазкур хашарда юртимизнинг 17,5 миллиондан зиёд аҳолиси иштирок этди. Қарийб 36,5 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди, 26 минг километрга яқин узунликдаги арик-зовурлар тозаланди, 24 миллион тупдан зиёд дарахт ҳамда қарийб 16 миллион туп гул кўчатлари экилди. Ушбу умумхалқ хашарида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ҳам фаол катнашди.

Азалий кадриятлар устуворлиги

Бу ташаббус Бухоро вилояти меҳнат жамоаларида, жумладан “Бухоро Телеком” филиали ҳамда унинг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида ҳам яқдиллик билан кутиб олинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига — 20 туп кўчат меннинг тухфам” шиори остида филиал ҳамда унинг барча тузилмаларида шу кунгача амалга оширилган ишлар эътиборга сазовор. Алоқа ходимларининг гайрат-шижоати туфайли жойларда ўтган давр ичида 2025 тупдан ортиқ олма, ўрик, шафтоли, қароли, беҳи, нок, бодом, жийда, гилос, анор, хурмо сингари мевали ҳамда 6846 тупдан зиёд арча, тол, терак, тут каби манзарали дарахт кўчатлари ўтказилганлиги, хашар кунларида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилганлиги чиндан-да таҳсинга лойиқ. Мамлакатимиз миқёсида эълон қилинган икки кунлик хайрия хашарида эса филиал ва унинг барча телекоммуникациялар боғламаларидан жами 1043 нафар ходим фаол иштирок этди. Филиал ва телекоммуникациялар боғламалари биноларининг атрофлари тозаланиб, ер майдонларига янги кўчатлар, гул ниҳоллари ўтказилди, дарахтлар оқланди. Шунингдек, Когон тумани, Янгиҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қизилгул қишлоғида филиал ходимлари учун ажратилган 4,64 гектар майдонда ҳам ободонлаштириш ишлари

бажарилди. Бу ердаги мевали ва манзарали дарахтлар оқланиб, экин майдонига сабзавот маҳсулотлари уруғлари қалалди.

Шунингдек, филиал ҳамда Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ишчи-хизматчиларидан катта бир гуруҳи умумхалқ хашари кунларида вилоят марказининг Лаби Ҳовуз мажмуаси таркибидаги Тоқи Саррофон обидаси ҳудудида жойлашган 224-АТС биносини таъмирлашда ҳам фаол иштирок этдилар.

Умумхалқ хайрия хашаридан тушган маблағлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дас-

турида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш, хусусан, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллалардаги спорт майдончаларини жорий таъмирлаш, керакли жиҳозлар билан таъминлаш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби тадбирларга сарф этилади.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг
Бухоро вилоятидаги мухбири



Бир тан, бир жон бўлиб

Ҳадемай ўлкамизга Наврўз ташриф буюради. Наврўзнинг Марғилон почта алоқаси тармоғи жамоаси катта тайёргарлик билан нишонлашга одатланган.

Почта ходимлари байрам арафасида ўтказилган 12-13 март кунларидаги умумхалқ хашарида фаол катнашиб, 14та алоқа бўлими ва марказий почтада кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажаришди. Почта алоқаси тармоғига қарашли бино ва ҳудудлар тартибга келтирилди. Маиший чиқиндилар чиқариб ташланди. Ариқлар ва лотоклар тозаланди. Почта бўлимлари олдига манзарали дарахтлар ўтказилди, бўш ётган ер майдонлари чопилиб, тартибга келтирилди. Ушбу хайрия хашарида барча почта идораси хоналари, иш ўринлари, мажлислар зали, ҳисобхона ҳам саранжом-сариншта кўринишга келтирилди.

— Жамоамиз аъзолари ҳар галгидек бу йилги халқ хашарида ҳам уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда бир жон, бир тан бўлиб иштирок этди, — деди шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлиғи Абдулазиз Улмасов. — Наврўз қадимий байрам. Биз бу кутлуғ байрамни кутиб олишга катта тайёргарлик кўриб қўйдик. Корхонамиздаги пенсионерларга, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга меҳрмуруват кўрсатилади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ
Марғилон шаҳри

берилиб, оқланди.

Баҳорнинг ташрифи ҳеч кимни безъатибор қолдирмайди, албатта. Ҳовли ва биноларнинг атрофлари яшнаб, гуллаб турса, баҳри дилинг ҳам очилади. Эртанги кунда дарахтлар

Хашар — элга ярашар, деганларидек, “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига — 20 туп дарахт меннинг тухфам” шиорига жавобан Сирдарё вилояти алоқа соҳаси корхона ва ташкилотлари 12-13 март кунлари умумхалқ хайрия хашарида уюшқоқлик билан катнашдилар.

Хашар кунлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси, “Сирдарё Телеком” филиали, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сирдарё филиали, Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси, Давлат алоқа инспекцияси вилоят бўлими, вилоят Махсус алоқа боғламаси, Гулистон РТС, вилоят Электромагнит мослашув хизмати, Алишер Навоий номидаги

Дарахт экмок савобдир

вилоят ахборот-кутубхона маркази, Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази вилоят бўлими ва бошқа ташкилотларнинг хизматчилари мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этишди.

— Ҳадисларда “Кўчат ўтқиши савобдир”, дейилган. Шу ҳикматта амал қилиб умумхалқ хайрия хашарида тизимдаги корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган 900 дан ортиқ киши катнашди, — дейди биз билан суҳбатда Агентликнинг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Муҳаммад Бегматов. — Шу кун 3660 туп мевали, 3450 туп манзарали дарахт, 50 туп гул кўчатлари ўтказилди. Ҳовли ва бино атрофларидан икки тоннадан ортиқ маиший чиқиндилар чиқариб ташланди. Минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтларга шакл

ўз мевасини беради, албатта. Ана ўшанда ўз қўлинг билан экилган дарахтнинг яшнаб туриши, мевасини татиб кўришнинг ўзи кишига оламолам завқ бағишлайди.

Б.ЮРСУНОВ
Сирдарё вилояти

Ҳикмат

Юртни обод қилган — обод бўлади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиалида давр талаблари асосида фаолият юритишга интилиш кучли. Очик акциядорлик жамиятининг буйрук ва фармойишлари, қарорлари ҳаётга татбиқ этилиб, мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий юксалишига муносиб хисса қўшилмоқда. Ушбу рақамлар ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир: ўтган 2010 йилда умумий таъриф даромади 7 миллиард 799 миллион сўмдан ортди. Бизнес-режа 136,3 фоизга адо этилди. Ўсиш 109,3 фоизни ташкил қилди. Хат-хабарлар, обуна, пенсия, телеграмма, газета сотуви, коммунал тўловлар, сўзлашувлар – бу хизматлар бўйича кўзда тутилган режалар ортиғи билан удаланди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали: ИНТИЛИШ ВА САМАРАЛАР

Вилоят почта алоқаси соҳасида хизмат қилаётган борки, филиалда сўнгги йилларда кўлга киритилаётган ютуқлар салмоғи билан фахрланади. Айниқса, Қўқон, Қува, Марғилон, Бағдод, Яйпан почтачилари меҳнатлари мақтовга лойиқ. Эгуликларга тўла наврўзий кунлар шуқуҳи кўнгиллардаги бу ифтихор туйғуларини чандон оширади.

Ҳамдамжон ИҲЪОМОВ,
Қува почта алоқаси тармоғи бошлиғи:

– Дарҳақиқат, халқимизнинг қадимий байрамини энг юқори кўрсаткичлар билан кутиб олаётганимиздан хурсандимиз. Ҳамма режа-топшириқларни ортиғи билан бажариб келяпмиз. Мендан кўпинча ишни барқарор олиб бораётганингиз, кетма-кет муваффақиятларга эришаётганингизнинг сири нимада, деб сўраб қолишади. Шунда мен ҳар ким ўзига белгиланган вазифани ўз вақтида, бекаму кўст бажаришида, дейман. Бор-йўқ сирсинаот – ана шунда. Инсон ўзига топширилган ишларни виждонан адо этиб юрса, сира қоқилмайди, юзи иссиқ бўлаверади. Таввакал Ҳотамқулов, Гулчеҳра Олимова, Мўминахон Қорақулова, Раҳмиддин Мирзақаримов, Йўлчибой Эргашев, Шерали Мирзаматов ва бошқа кўплаб хабарчи ва алоқа бўлимларимиз бошлиқлари ана шундай қуниқ ишларни беҳато, талабдагидай бажариб, эл ишончига, демакки, энг бебаҳо бойликка эга бўлишмоқда. Биз почтачилар ана шу бойлиқни қўлдан бермаслигимиз даркор.

Абдулазиз ЎЛМАСОВ,
Марғилон почта алоқаси тармоғи бошлиғи:

– Ҳа, рақобатбардошли соҳа бўлиш, рақобатбардошли ходим бўлиш айни замонда осон эмас. Биз юз йилдан ортқ таърибга эга почта жабҳасининг обрўйини яна ва янада ошириб бориш ҳақида ҳозиргидан ҳам кўпроқ бош қотиришимиз, эл-юртнинг ишончини асло қўлдан бермаслигимиз зарур. Жамоамизда Муборакхон Аҳорова, Малоҳатхон Қодирова, Майрамхон Сиддиқова, Ҳафизахон Мирзаева, Лобархон Шокирова, Гулчеҳра Қосимова каби ходимларимиз ана шу масъулиятни юракдан ҳис қилиб ишлаб

халқ меҳрини қозонмоқдалар. Мақсадимиз — почта мавқеини бундан-да оширишдир.

Мухаммаджон ЖУМАЕВ,
Янгиқўрғон почта алоқаси тармоғи қузатувчиси:

– Мен соҳада ўттиз беш йилдан буён меҳнат қилиб келяман ва бу билан ҳар қанча фахрлансам арзийди. Элнинг дуосида ҳикмат кўп. Дуо олиб, дуолар паноҳида шу азиз кунларга етказди. Фарзандим ота касбини танлаб, номимни, почта шаънини улуглашга интиляпти. 2010 йилда филиалимизнинг 72 нафар ишчи-ходими юбилей саналари муносабати билан рағбатлантирилди. 55 ёшим билан қутлашганда, энг яхши тилақлар билдиришганда, бошим осмонларга етди. Буларнинг ҳаммаси учун ҳар қанча шукроналар айтсам кам. Бир почтачининг бахти бўлса, шунчалик бўлар. Худого минг қатла шуқр.

Соҳамиз тараққиёти меваларини кўриш қанчалар қувончли эканлигини ҳеч ким менчалик ҳис этмаса керак. Почта алоқаси бўлимларимиз бинолари замонавий қиёфа касб этмоқда. Қўқон, Қувасой, Риштон почта алоқаси тармоқлари бинолари қатори бизнинг тармоғимиз биноси ҳам мутлақо янгича қайта қурилди, шаҳар ва туманлар кўрқига кўрк бағишлайдиган бўлди. Кўз тегмасин.

Соҳамизга ахборот технологияларининг жадал кириб келаётгани бир қувончмига ўн қувонч қўшади. Электрон пул жўнатмалари, сугуртачи, сараловчи ходимларимиз, алоқа бўлимлари бошлиқлари барчаси ўқитилиб, ахборот технологиялари борасидаги билимлари тобора юксалаётганидан севинмай бўладими?! Ёшларнинг замондан ортда қолмасликка тиришиб-тортишиб, компьютер сирларини эгаллаётганликларига қараб ҳавасим келади.

Кўзойнак ва ҳатто қонда эритроцит катталигидаги микрочиплар пайдо бўлишини “Xabar”да ўқиб, ҳайратларда қоламан. Бу ҳайратларга тўлиқ дунёда ёшларимиз, шу жумладан, почта тармоқларида ишлаётган ўғил-қизларимиз ҳайратланарли тарзда ғайрат-шижоат билан ўқиб-ўрганиб, ишлаб жаҳонни лол қолдиришлари зарур, деб ҳисоблайман.

Шундай эмасми, азизлар!

Ҳафиза САЛҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири

ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни
яқинлашаётган
Наврўзи олам
билан муборакбод этади ва уларга
эзгу тилақларини изҳор қилади.



Наврўз сурури

Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқлари кеча билан кундуз тенглашган, яъни 21 мартдан 22 мартга ўтар кунни жуда қадимий даврлардан бери Янги йил ҳисоблаб, қувонч билан қарши олганлар. Қадимий олатга кўра, ундирилган бугдойдан шу кунни сумалак пиширганлар, Наврўзга бағишлаб сайиллар ўтказилган. Кекса-ю ёш эртак ва ҳикоялар, кўклам ҳақида шеър ва қўшиқлар айтишиб, байрамни ўйин-култу билан кутиб олишган.

Умар Хайём ўзининг “Наврўнома” асарига тун, кун, фалак, йил ва фаслар ҳисоби бўйича жадвал келтиради ва Кўёшнинг Ҳамал буржига кириши, кеча билан кундуз вақтининг тенглашиши йилбоши ҳисобланади, дейди ҳамда Наврўзни ўтказиш тартиблари ҳақида маълумотлар келтиради. Мисол учун, байрамни ўтказишнинг махсус тартиб-қоидалари мавжуд эди-ки, уй-жойларни тозалаш, кўчат ва гуллар билан безатиш, ота-она, яқин кишилар билан дийдорлашиб келиш, марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилиш таомил бўлган.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билим” (“Саодатга йўловчи билим”) китобида Наврўзни шундай таърифлайди: “Аввал Шарқдан баҳорий насим (шаббод) эсиб келади, бу оламни безаш учун жаннат йўлини очади. Оқ ранг (яъни, қор) кетиб, ерга нфор тўлади, ҳаммаёқни алвон-алвон ранг эгалайди, чунки олам чиройли безанмоқни истайди. Кўклам насими зерикарли қишни ҳайдайди, мусаффо баҳор яна ўз ҳукмига киради. Японини тўққан дархатлар яна яшил кийинади, оқ, сариқ, кўк, қизил ранг билан безанади...”

Хуллас, Наврўзга халқ анъанаси сифатида донишмандлар, тарихчилар ва шоирлар чиройли таъриф берганлар. Бироқ, байрам шунчаки ўйин-култу, хурсандчилик эмас, аксинча, у халқнинг тарихи, маданияти ва маънавияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодисадир. Беруний минг йил аввал яратган “Ҳиндистон” номли асарига ҳар бир халқнинг удум ва анъаналари ўша халқнинг юз йиллар давомида шаклланган турмуш тарзининг ифодаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Биз учун ва бошқа Шарқ халқлари учун Наврўз худди шундай байрам.

Аммо, тарихда миллатимиз бошига тушган синовлар Наврўзимизнинг ҳам бошига тушди. У гоҳида диний байрам сифатида тақиқланди. Бироқ, ҳар қандай зуғум ва таъйиқларга қарамай халқимиз ўзининг бу қадимий, мислсиз қадриятини авайлаб, ардоқлаб, қалб тўрида асраб, йиллар, даврлар оша олиб ўтди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши арафасида Наврўз байрамга ҳам янгидан ҳаёт бағишланди. Мана йигирма йилдирки, у руҳиятимизга қувонч ва эзуликлар улашиб келмоқда.

Наврўз билан боғлиқ барча эзгу-ниятларимиз, барча гўзалликлар Ватанимиз раванқи, юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилади. Хонадонларимиздан доимо тинчлик-хотиржамлик, қут-баракат аримасин, Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МАМАТОВ,
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиали маънавият ва маърифат бўйича масъул ходими



Юрт обод, кўнгиллар обод

Кашкадарё вилоят “Матбуот таркатувчи” шўъба корхонаси жамоаси корхона ховлиси, бино атрофи ва туманлардаги бўш жойларда ободонлаштириш ишларини олиб бордилар.

Шунингдек, улар Ғузор туманидаги “Бахтиёр Юлдош ўғли” фермер хўжалиги билан ўзаро шартнома тузиб, фермер хўжалигига қарашли бўш ерларда баҳорги дала юмушларини, ободонлаштириш, боғ барпо этиш ишларини амалга оширди.

— 2003 йили Ғузор туманида “Бахтиёр Юлдош ўғли” фермер хўжалигини ташкил этганмиз, — дейди “Матбуот таркатувчи” ШК директори Тиркаш Очилов. — Мамлакатимизда тadbиркорликни ривожлантириш борасида яратилган имкониятлардан фойдаланиб, бу ерда нафақат фермер хўжалиги, қолаверса, чорвачилик, боғдорчилик ишларини ҳам кенг йўлга қўйдик. Полиз маҳсулотларини етиштиришга ҳам киришганмиз.

320 гектар ернинг 50 гектари суғориладиган, қолгани эса лалми ерлардан иборат. Бу ерда 500 тушдан иборат анор, Сурхондарё вилоятининг Дашнободидан келтирилган чиллаки узум нави серҳосил ва эртапишарлиги билан ажралиб туради. Юз бошдан ортиқ чорва моллари — от, сигир, қўй, эчкилар учун қўтонлар ташкил этилиб, сут маҳсулотлари етиштирилмоқда. Тут плантацияси мавжуд. Беш гектар майдондаги боғда эртапишар ўрик, шафтоли, қароли мевалари етиштирилмоқда.

— 2010 йилда пилла қуртидан 300 килограмм кумуш тола топширдик, — дейди Тиркаш Очилов. — 21 гектар майдонда экилган пахта режаси 135 фойзга бажарилди. Ҳн гектар ердан 26 тонна ғалла йиғиб олишга эришдик. Боғдорчилик маҳсулотлари қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилди. Айни дамда бир неча минг туп мевали дарахт кўчатларини қашаш ва парвартиришга эътибор қаратяпмиз.

“Матбуот таркатувчи” шўъба корхонаси жамоаси учун 2010 йил муваффақиятли бўлди. Обуна мавсумида фаол иштирок этганларни муносиб тақдирлаш, рағбатлантириш эътиборда. Корхонанинг ҳар бир ишчи-ходими ўзига бirkитилган вазифаларни астойдил бажаришга масъулият билан қарайди. Фермер хўжалигига етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан улар ҳам четда қолаётганликлари йўқ.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, деганларидек, Тиркаш ака бу ишларга ҳам виждонан ёндашди. Биргина Қарши шаҳридаги Пахтазор маҳалласида ўтказилган Наврўз байрами маросимида ҳам бир неча ўқувчи-ёшларга ўқув қуроллари, муншаотлик маҳсулотларини ҳадя этганлигининг гувоҳи бўлдик.

Афтондил ИСМОИЛОВ

Инсоният барча турдаги ахборотни сақлаш, масофага узатиш ва қайта ишлашга кодирми? Бу борада изланиш олиб борган Жанубий Калифорния университетининг Мартин Гилберт етакчилигидаги бир гуруҳ тадқиқотчилари ўз хулосаларини Science журналыда чоп этишди.

Ахборот захирамиз 295 эксабайтга тенг

Олимлар сақлашга доир 60та асосий технология ва 1986-2007 йиллар мобайнида амалга оширилган ахборот узатиш ва ишлов бериш усулларини ўрганиб чиқишди ва инсоният тарихи давомида тўпланган маълумотлар захираси 295 эксабайт (10¹⁸)ни ташкил этади, деган тўхтамга келишди.

Агарда инсоният ҳозиргача ишлаб чиққан жами ахборотни (295 эксабайт) компакт-дискларга кўчиришга тўғри келса, уларнинг баландлиги Ой орбитасидан ҳам катталашиб кетади. Аммо, шуни ҳам инкор этмаслик керакки, бу битта инсон ДНК молекулаларида сақланаётган ахборотга солиштирилса, бор-йўғи 1 фойзни ташкил этади, холос.

Ахборотнинг катта қисми (94 фойздан кўпроқ) рақамли шаклда сақланыпти, 2002 йилгача маълумотларни сақлаш ва ишлов беришнинг эски усуллари устунилиги кузатилганди.

2007 йили теле ва радиосиёратчилик тизимлари

тахминан 1,9 зеттабайт (10²¹) ахборот узатган. Бу, агар солиштирилса, дунёдаги ҳар бир киши кунига тахминан 174та газета ўқиганига тенг катталиқ. Кишиларнинг ўзаро мулоқоти (масалан, мобил телефонда) ҳажми 2007 йили 65 эксабайтга тенглашди, яъни сайёрамиздаги ҳар бир киши кунига олтига газета мазмунини ҳикоя қилиб берса шунча бўлади.

2007 йили жаҳондаги барча шахсий компютерларда бир сонияда 6,4 квинтиллион (20 хонали сон) амалиёт содир бўлган, инсонияси бир сонияда тахминан шунча амалиётни бажара олади. Агарда бу компютерлардаги амалиётлар қўлда бажарилганида эди, олам яратилганидан буён ўтган вақтга қараганда 2,5 минг мартаба кўпроқ вақт талаб этиларди. Тадқиқотчилар ўрганган даврлар оралигида ахборотта ишлов бериш йилига 58 фойз, узатилаётган ахборот сони 28 фойз, ахборотнинг умумий захираси эса 23 фойз тезликда ўсиб

келаяптики кузатилади.

2020 йилга бориб, IDC тадқиқотлар компанияси маълумотига таянадиган бўлсак, “рақамли олам” 2009 йилдаги қараганда 44 мартаба йириклашди, яна ўша қийслагга қайтсак, дисклар тўплами Марсгача масофанинг ярмига етади.

Intel компанияси лабораторияларидан бирининг директори, профессор Жим Хелд яқинда қилган баёнида келгусида бизни ахборотни сақловчи қурилмалар борасида танқислик кутаётганини тахмин қилганди.

Хелд ўз фикрини қуйидаги мисоллар билан исботлайди: “Walmart (АҚШдаги энг йирик савдо тармоғи) бир дақиқада ўз маълумотлар базасига миллиардлаб ёзув киритади. YouTube видеосервисига сақланаётган маълумот ҳажми барча тижорий каналлар бир йилда узатган маълумотдан кўп. Катта адрон коллайдер бир сонияда терабайт маълумотга ишлов бера олади”.

С. АҲАДОВ

ALSKOM

суғурта компанияси жамоаси

Юртдошларимизни жаннатмонанд юртимизга янада кўркамлик бахш этиб кириб келаётган

Наврўз айёми билан табриклайди

Кўркамлик ва айёми Суғурта бастасидат, мушаккафрат ҳада этсин!

"UNICON.UZ" ДУК ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ҳалида алоққа ва ахборотлаштириши соҳаси ходимларини энг гўзал ва тароватли айёми —

Наврўз

билан кутлайди.

В ВУЗАХ РЕСПУБЛИКИ ВВЕДЁН КУРС “АВТОМАТИЗАЦИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА” НА ОСНОВЕ БЭМ

В перечне ВУЗов, преподаватели которых прошли обучение программе, восемнадцать университетов и институтов экономического направления. Занятия начнутся во всех ВУЗах уже в весеннем семестре. Факультативный курс введен в программу обучения третьего курса специальности “Бухгалтерский учет и аудит”. 36-часовой учебный план “Автоматизация бухгалтерского учета” на узбекском и русском языках включает в себя занятия по обучению “от А до Я” ведению бухгалтерского учета на основе программы БЭМ – «Бухгалтера электрон мадал».

В специально отведенных компьютерных классах ВУЗов установлено лицензионное программное обеспечение. Профессора и преподаватели кафедры “Бухгалтерский учет” Ташкентского финансового института Б. Болибеков и А. Мусаев совместно с ведущими специалистами Проекта БЭМ С. Ли и А. Ахмадхужаевым подготовили по данному курсу учебное пособие для студентов.

С целью повышения квалификации и практических



навыков для профессорско-преподавательского состава смежных кафедр “Бюджетный учет”, “Экономический анализ” и “Аудит” было организовано обучение работе в БЭМ. Специалистами Проекта БЭМ проведена аттестация и выданы сертификаты, подтверждающие знание программного обеспечения.

Сегодня каждый студент экономического ВУЗа специальности «Бухгалтерский учет и аудит», имеет возможность получить интересующую его информацию о программе национального учёта. К примеру, на кафедре «Бухгалтерский учет» Ташкентского финансового института создан информационный уголок БЭМ, раз-

мещаются специальные публикации в периодических изданиях института и на веб-сайте. Темы по автоматизации бухгалтерского учета включены в перечень квалификационных выпускных и курсовых работ студентов вуза.

Уже сегодня успешно прошли защиту две кандидатские диссертации: «Кичик бизнес субъектлариди ягона солиқ тулови ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш» аспиранта Ташкентского института текстильной и лёгкой промышленности Н.Исмаиловой и «Молия, пул муомаласи ва кредит» аспиранта Ташкентского финансового института Б.Санакуловой.

bem.uz

ЮЖНЫЙ РЕГИОНАЛЬНЫЙ ФИЛИАЛ «БИЛАЙН» ОТМЕЧАЕТ ЧЕТЫРЕХЛЕТНИЕ, РАЗВОРАЧИВАЮЩАЯ СЕТИ 3G

Единый оператор связи «Билайн» (ООО “Unitel” и СП “Buzton”) подводит итоги четырех лет работы Южного регионального филиала (ЮРФ) “Unitel”, обслуживающего территорию Кашкадарьинского и Сурхандарьинского вилоятов.

Комментируя итоги работы, директор по региональному развитию “Unitel” Сергей Закураев отметил: «Юг Узбекистана – это динамично развивающийся регион с огромным аграрным и промышленным потенциалом. За четыре года работы на этом рынке нам удалось добиться серьезных результатов, более чем в тринадцать раз увеличив свою абонентскую базу. В ближайшие месяцы мы планируем развернуть в Кашкадарье и Сурхандарье сети третьего поколения, чтобы приобщить жителей обеих областей к интернету на скоростях 3G».

С момента запуска филиала в марте 2007 года количество базовых станций увеличилось более чем в 4,6 раза, а связь «Билайн» стала доступна жителям таких отдаленных районов, как Талимарджан, Памук и Байсун. Рост бизнеса сопровождался активным созданием рабочих мест: за 4 года количество сотрудников ЮРФ удвоилось.

«Расширяя свою деятельность, мы не только нанесли новый персонал, но и планомерно привлекали к работе дилеров, – говорит директор ЮРФ “Unitel” Улугбек Ахмедов. – На сегодняшний день на Юге действуют свыше 800 торговых точек, что означает почти четырехкратный рост. В результате слаженной командной работы обеспечено десятикратное увеличение емкости нашей сети, и мы полностью готовы к предстоящему запуску 3G».

Запуск “Beeline Business” дал мощный стимул развитию корпоративных продаж, укрепив позиции компании на рынке Юга Узбекистана. Сегодня мобильной и фиксированной связью, а также широкополосным интернетом «Билайн» пользуются тысячи абонентов крупнейших организаций Кашкадарьи и Сурхандарьи: АК «Узгеобурнефтегаз», АК «Узгеонефтегаздобыча», Шуртанский газохимический комплекс, СП «Сурхонтекс», Талимарджанская ТЭС, Джаркурганский нефтеперерабатывающий завод, Каршинская нефтебаза и др.



НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

Создана самая маленькая видеочкамера

Самая маленькая видеочкамера в мире разработана специалистами института прикладных информационных технологий Фраунхофера (Германия) совместно с японской компанией Awaiba.

Объем камеры составляет всего 1 кубический миллиметр. Матрица устройства имеет 250 пикселей по вертикали и горизонтали. Разрешение составляет всего 0,06 мегапикселя.

Предполагается, что камера будет использоваться в медицинской технике, в потребительской электронике и автомобилестроении.

Компьютерная

память **может сильно подорожать**

Землетрясение в Японии значительно повлияет на мировую цепочку поставок чипов флеш-памяти в следующем квартале. Об этом предупреждают аналитики исследовательской группы IHS iSuppli.

Эксперты также обращают внимание на то, что землетрясение произошло в 320 километрах к северу от Токио, в то время как крупные заводы по производству чипов, принадлежащие Toshiba и SanDisk, расположены к югу от города.

На долю Страны восходящего солнца приходится пятая часть мирового рынка полупроводников. За прошлый год выручка производителей чипов в Японии составила 63,8 миллиарда долларов.

Sony выпустит фотокамеру с модулем 3G

Sony готовит к выпуску фотокамеру с поддержкой сотовых сетей.

Речь идет о новой версии популярной модели Cyber-shot. Работа аппарата будет основываться на «облачных» вычислениях, что позволит бесплатно хранить в «облаке» (то есть на серверах Sony) несколько десятков фотографий в месяц.

Кроме того, пользователь сможет без «посредников» (например, ПК или планшета) и подключения к сетям Wi-Fi отправлять свои фотографии и видеоролики в популярные социальные медиа (на YouTube, Facebook, Twitter, Flickr и другие).

Bing впервые обошёл Yahoo!

По оценкам компании StatCounter, в начале этого года поисковая система Microsoft Bing стала второй по популярности в мире.

В феврале доля Bing, по данным StatCounter, равнялась приблизительно 4,4%. В то же время Yahoo! контролировала 3,9% отрасли. Таким образом, отмечают аналитики, «Майкрософт» смогла впервые обойти Yahoo! на мировом рынке веб-поиска.

Впрочем, объем компаниям ещё очень далеко до Google, доля которой в прошлом месяце составляла без малого 90%.

UCCELL: ПОБЕДИТЕЛЬ ПОЛУЧИЛ "CHEVROLET CAPTIVA"

UCcell провел торжественную церемонию вручения пятого автомобиля "Chevrolet Captiva" победителю акции "Carucell".



Разумеется, все из тех, кто принял участие в финальной части акции, питали надежды на победу. Но на этот раз судьба была благосклонна к жителю Ташкента Джапбарову Эргашу Камаловичу. Под звуки фанфар и бурные аплодисменты гостей мероприятия он получил ключи от пятого автомобиля "Chevrolet Captiva" из рук генерального директора UCcell г-на Огуза Меммиговена.

«Даже не думал, что могу выиграть автомобиль в акции, – признается счастливый победитель. – Когда мне позвонили и сообщили, что я теперь владелец великолепной "Chevrolet Captiva", думал, что это шутка. Но факт – я уже сижу за рулем призового автомобиля. Хочу выразить огромную благодарность UCcell за честную и открытую акцию, которая принесла мне удачу».

На церемонии вручения в гостинице "Интерконтиненталь" присутствовали представители компании, а также корреспонденты местных печатных изданий и телевидения. UCcell позаботился о праздничном настроении участников и зрителей.

КабоТВ

ДУШАНБА — 21 МАРТ

ОҲАНГ

«Ассалом, Наврӯз!»
5:55 Куркуловлар дастури
6:00 «Ассалом, Убақостон!»
7:00 «Идиш»
7:05 «Ситим бешка»
7:30 «Амрақия ноиллари»
7:45 «Илҳом буйлаб» дастури: «Наврӯз Тогтаи»
7:55 «Кунлиқ қўлиқ истади»
8:00 «Тадқиқоти»
8:40 ТБ - янги
8:45 «Наврӯзнинг кунлиқ истади»
8:50 «Кунлиқ Наврӯз» В.Ф.
«Беклар сайраш»
9:15 «Томашани Наврӯз»
10:00 «Ассалом, Наврӯз!» Байрам тағанналари.
10:00 «Ассалом, Убақостон!»
10:20 «Кунлиқ қўлиқ истади»
12:55 «Идиш»
13:00 «Ситим қаёқ Ток-шар»
13:45 Миллий сериал
«Эрманилар» 1-қисм.
14:45 «Кажий Наврӯз» В.Ф.
15:10 «Илҳом»
15:15 Миллий сериал
«Эрманилар» 2-қисм.
16:15 «Занокат»
17:15 «Ассалом»
17:40 «Кажий Наврӯз» В.Ф.
18:05 «Кунлиқ қўлиқ истади»
18:10 «Идиш»
18:15 «Самарқанд ноиллари»
18:30 «Марҳум»
19:00 2011 йил - Киник бизнес ва хуруши табириятнинг йили - Қишлоқ, ҳаёт.
19:25, 19:55, 20:55 «Идиш»
19:30 «Абдор»
20:10 Миллий сериал
«Кадриятлар она қайтади»
20:40 «Ситим сериал»
21:40 «Ассалом, Наврӯз!» Байрам тағанналари.
21:40 «Идиш»
21:55 Миллий кино «Чиназир»
20:55 «Кунлиқ қўлиқ истади»
1:00 «Абдор»
1:35 «Ассалом, Наврӯз!» Байрам тағанналари.
1:35 «Сериал: «Эрманилар» 1-қисм.
4:15 «Амрақия ноиллари»
4:30 «Сериал: «Эрманилар» 2-қисм.
5:30 - 5:55 «Марҳум»

САХИ

НАВРӯЗИ СИЛАМ МУБОРАК!
1:55 «Шарнинг ситими»
6:00 «Идиш»
6:40 «Идиш»
7:10 «Амрақия ноиллари»
7:30 «Беклар табуқаси»
8:00 «Қўлиқча дарс»
8:30 «Утуллик оғиллари»
9:10 «Охи бўлади»
9:40 «Наврӯз нади»
10:00 «Ассалом, Наврӯз!» Байрам тағанналари.
11:40 «Наврӯз сайди»
12:00 «Сайрақ» В.Ф.
14:45 «Механик муҳандис»
15:00 «Бирка тоғи» Беклар уюм фильми.
16:20 «Жази муҳаббат»
17:20 «Жази ва лавити тоғи» Т.С. 1-қисм.
18:00 «Илҳом ноиллари»
18:30 «Қалқон» Ҳажини
18:50 «Наврӯз ноиллари»
19:00 «Шар»
19:30 «Кунлиқ»
20:00 «Илҳом ноиллари»
20:20 Миллий кино «Сегитир»-2.
22:00 «Шар»
22:30 «Илҳом ноиллари»
22:50 «Сайрақ» В.Ф.
1:40 «Наврӯз сайди»
1:40 «Наврӯз сайди»
2:20 Миллий кино «Майралининг иши»
4:40 «Давлати арқонлари»
4:50 «Илҳом ноиллари»
5:30-5:55 «Юрт пилоти»

САХИ

«АССАЛОМ НАВРӯЗ!»
7:25 Куркуловлар дастури.
7:30 «Ассалом, Тоғтаи»
8:30 «Идиш»
8:35 Миллий сериал «Дит пайванди» 7-қисм.
9:00 «Наврӯз оқиломи»
9:15 «Идиш»
9:30 «Илҳом»
10:00 «АССАЛОМ НАВРӯЗ!» БАЙРАМ ТАҒАННАЛАРИ.
12:00 «Шўқор»

12:05 «Меннинг шаҳром»
12:25 «Шўқорлар ақсар бутун»
12:40 «Байрам оқиломи»
12:55 «Шўқор»
